ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ИНТЕГРАЛ ДИАГНОСТИКА ЁРДАМИДА ПЕДАГОГИК НАЗОРАТ ҚИЛИШ

З.АЗИМОВА

В статье рассматривается проблема межличностных отношений школьников, и определяются возможности интегральной диагностики в педагогическом контроле межличностных отношений учащихся.

This article includes the problem of the interpersonal relations of schoolboys and the possibilities of the integral diagnostics in pedagogical control of the interpersonal relations of the learners are defined in it.

Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини ўрганиш муаммоси вақтга тааллуқли бўлмаган, доимий равишда долзарб ҳисобланувчи муаммодир. Ўқитувчининг таълим-тарбия ишларини сифатли ва самарали ташкил қилиши синф жамоасини қай даражада яхши билиши билан белгиланади. Жамоадаги фаолият ва ўсиш динамикасини педагогик назорат қилиш, ўқувчи шахсининг ривожланиш босқичларини ҳисобга олган ҳолда бутун жамоанинг ривожланиш даражаси ҳақида ҳар томонлама маълумот олиш ва шу асосда интеграл диагностика методи, шакли ва коррекцион методика мазмунини бойитишига хизмат қилади. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи нафақат лидерлар тўғрисида, балки синфдошлари четга чиқариб қўйганлар ҳақида ҳам, ким "энг дўстона" кайфиятда, ким "дўстликни бузувчи" ҳисобланаши ҳақида ҳам аниқ маълумотга эга бўлиши керак. Бу ахборотга таянмасдан туриб синфда самарали тарбиявий таъсирни амалга ошириш мумкин эмас.

Педагогик кузатувлар қўйилган саволларга жавоб беришга ёрдам беради, аммо уларни сон жиҳатдан, яхлит ҳолда, интеграл ифодалай олмайдики, бу охир-оқибатда педагогик инновацияни қўллашни чегаралаб қўяди. Алоҳида олинган ўқувчининг ва яхлит синф жамоасининг ўзига хос хусусиятлари диагностикасида йўл қўйилган хато пировард натижада педагогик таъсирнинг ҳар хил бўлишига олиб келади. Педагогик хатонинг оқибатлари оғир бўлиши ва у ҳатто олис келажакда ҳам ўзини кўрсатишга қодир эканини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни ўрганишда педагог томонидан қўлланаётган методлар объективлик ва ишонч мезонларига жавоб бериши керак.

Педагогика ва психологияга оид адабиётларда мактаб синфини психосоциал (руҳий ижтимоий) жиҳатдан тавсифлайдиган, шунингдек, турли синфларни ўзаро объектив кўрсаткичлар асосида қиёслашга ёрдам берадиган (миқдорий) методлар етарли таклиф этилмайди.

Аниқ ва яққол манзарани интеграл кўрсаткичларни қўллаш орқали амалга оширилган махсус социометрик тадқиқот намоён этади. У тадқиқ этилаётган синф ўқувчилари ўртасидаги шахслараро муносабатлар даражасини миқдорий жиҳатдан баҳолаш имконини беради. Таклиф этилаётган методика апробацияси бошланғич назарий хулосаларнинг тўғрилигини экспериментал йўл билан тасдиқлади.

Умумтаълим мактабларида тадқиқот ишлари олиб боришни режалаштириш, шунингдек, синовга тортилаётганлар контингентини танлаш социометрик тест ҳамда мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар билан суҳбатлар натижалари асосида аниқланди. Маълум бўлдики, ўсмир ўқувчилар синфи шахслараро муносабатларида анча жиддий муаммолар бор экан. Ушбу синфлар биз томонимиздан ҳам юриш-туришда, ҳам ўқишда ноаҳил, тарқоқ, муаммоли синфлар сифатида тавсифланди.

Мактаблар маъмурияти ва педагоглар жамоаси бизнинг шахслараро муносабатларни педагогик назорат қилиш учун тузилган режаларимиз, методикамиз ва назарий моделларимиз билан таништирилди. Кейинчалик биз томонимиздан бу синфлар ўқувчилари билан тарбиявий тадбирларнинг бутун бир комплекси ўтказилди. Натижада ўқувчилар синфдошлари билан ўзаро мулоқотда, бир-бирларини тушунишда уларнинг наздида енгиб бўлмас тўсиқларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ катта қийинчиликларни бошидан кечираётганликлари маълум бўлди. Мазкур ҳолат бизнинг танловимизни белгилаб берди, айнан ўсмир ўқувчилар синфида тадқиқот олиб бориш зарурати борлигига ишонтирди.

Синовга тортилаётганлар контингенти сифатида умумтаълим мактабларининг 6,8-синфларида таҳсил олувчи ўсмир ўқувчилар жалб қилинди. Жами 11 та синф текширилди. Тадқиқот тартиби (процедура) барча синфларда бир хил бўлди.

Эксперимент ишончлилигини ошириш учун дастлабки шартлар сифатида ва синовга тортилаётган-

лар контингентини танлашда олинадиган кўрсаткичлардаги хатолар эҳтимоллигини камайтириш учун қуйидагилар эътиборга олинди:

Ўқувчилар ўз синфдошларини баҳолаш учун етарли бўлган ҳаётий тажрибага эга.

Ўсмирлар бошқа одам шахсини батафсил таҳлил қилиш қобилиятига эга.

Бу ёшда коммуникатив алоқалар турли ва турғун характерга эга бўлади, мулоқот бирмунча тез ва ёркин ҳиссий бўёқларда ифодаланган ҳолда кечади. Бизнинг тадқиқотимиз соҳаси синф жамоаси аъзоларининг бир-бирига нисбатан эмоционал кайфиятининг ҳолатини аниқлаш ҳисобланади. Бу педагогик фаолият қирраларидан бири саналади ва ўқув-педагогик фаолиятнинг мувофиқ методлари ва шаклларига чиқиш учун катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Агар ўсмирлар бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлсалар, улар янада яқинроқ мулоқотга рози бўладилар, яъни жамоа аъзоларининг кўпчилигини яқин дўстлар сифатида танлашлари мумкин. Агар ўсмирлар келиша олмасалар, агар ўзаро шахсий келишмовчиликлар бўлса, у ҳолда улар жамоанинг бошқа аъзоларидан узоқлашади, яқин муносабатлар ўрнатишга интилмайди ҳам. Яъни шахслараро муносабатларнинг бу тизимини махсус тузилган шкала ёрдамида баҳолаш мумкин.

Бизнинг методикамиз асоси қилиб Э.Богардуснинг шахслараро мувофиқлик шкаласи олинган. У респондентларнинг фоиз тақсимотини мулоқот масофаси даражасида белгилаш имконини беради ва ундан халқаро муносабатларни ўрганиш учун фойдаланилмоқда.

Э.Богардуснинг замонавийлашган шкаласи мактаб синфларидаги шахслараро муносабатларни чуқур ўрганиш учун қўл келади. Бизнинг шкаламиздаги сифат қиймати Э.Богардусдаги каби бутун сонлар – балларга эмас, бирликнинг қисмидаги сонларга ўтказилди. Тузган шкаламиздаги ижобий қийматларни салбийлар билан тўлдирдик. Тадқиқот методи ўқувчиларнинг синфдошлари билан муносабатларини мустақил баҳолашларини тақозо этади.

Ҳар бир респондентга тўлдирилиши керак бўлган тайёр жадвал кўринишидаги анкета берилди (1-мисол). Жадвал тадқиқотнинг ҳамма иштирокчилари фамилиясини ўз ичига олади.

Анкетанинг асосий саволи гап сифатида шакллантирилганки, уни гуруҳнинг ҳар бир аъзоси мустақил тугатиши ва жадвалга ўзининг баҳосини киритиш керак: "Мен бу одамга ... сифатида эга бўлишни хоҳлардим?" саволи истак даражасини, гўё ҳар бир респондент шахслараро мулоқотда ўзи учун белгилаган идеал истиқболни баҳолашга имкон беради.

Сон жиҳатдан баҳолаш учун психодиагстик шкаладан фойдаланилиб, унда муайян сон кўрсаткичларига мос келувчи мулоқот масофасининг сифат даражаси ажратилди.

1 мисол. Шахслараро мувофилик анкетаси.

Фамилиям:_____

Сана:_____

Баҳо шкаласи

Мен хоҳлардимки...

... бу одам кўп вақтини мен билан бирга ўтказадиган яқин дўстим бўлишини (бу энг яқин масофа даражаси).

... бу одам мен билан тез-тез бирга бўлиб турувчи оғайним бўлишини (унча яқин бўлмаган масофа).

... бу одам менга қачон керак бўлса бирга бўладиган, иш юзасидан ҳамкорим бўлишини (бу, шартли айтганда, ярим яқинликдаги масофа).

... бу одам мен саломлашиб турадиган танишим бўлиб қолишини (бу унча яқин бўлмаган мулоқот).

... бу одам мен учун аҳамиятсиз, бор-йўқлигининг менга қизиғи йўқ (аҳамиятсизликнинг нейтрал ҳолати).

... бу одам мен учун умуман нотаниш одамдек (узоқлашиш ҳолати – узоқ масофа, яъни салбий дейиш мумкин, яқин муносабатдан узоқ муносабатга ўтиш).

... бу одам мендан узоқроқ туришини (бу янада узоқроқ масофа).

... бу одам жамиятдан ажралиб қолсин (бу деярли охирги масофа).

... бу одам умуман дунёда бўлмасин (бу энг узоқ масофа).

Бу шкалада одам жамоанинг бошқа аъзоларига нисбатан ўзининг муносабатини танлаб олиши мумкин. Яъни ҳар бир ўқувчи синфдошлари рўйхатини олиб, ҳар бир фамилия рўпарасига ҳиссий муносабатини ёки мулоқот масофасини жавоб рақами кўринишида ёзиб қўйиши мумкин. Шундай қилиб, бу шкалада ўқувчи жамоанинг бошқа аъзоларига нисбатан ўз муносабатини сонда акс эттиради. Умуман, биз ҳар бир респондентнинг ҳар бир синфдошига муносабатининг ҳиссий баҳосига эга бўлдик. Таъкидлаш муҳимки, респондентларнинг синф жамоасидаги шахслараро муносабатлар ривожланиши даражаси ҳақидаги билвосита фикрлари эмас, балки исталган мулоқот масофасининг кўрсаткичлар бўйича барча жуфт алоқаларни кўриб чиқишга имкон берадиган тўғридан-тўғри баҳолар олинди. Бошқача айтганда, инсонни қабул қилмасликнинг охирги даражаси сифатида баҳолаш имконияти мавжуддирки, у умуман бу дунёда бўлмасин (шартли равишда биз бу вариантга сон ўлчовида минус 1 бердик). Худди шундай энг яқин муносабатлар-

нинг бошка варианти мен ушбу одамни яқин дўст сифатида билишни нинг бошқа истардим – инсонни қабул қилишнинг максимал ижобий ҳолати (шартли сон ифодаси плюс 1).

Анкетада берилган саволга жавобни билиб, синфдаги жуфт муносабатлар диагностикасини ўтказиш ва улар асосида педагогик ўқув тарбиявий таъсир воситаларини танлаш мақсадида педагогик диагностиканинг тушунча аппаратига қўйиладиган қатор кўрсаткичларнинг қийматини ҳисоблаш мумкин. Диагностикага ва кейинчалик даврий педагогик назоратга ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари даражаси боғлиқ бўлади. Бирламчи материални ишлаш жараёнида биринчи жадвалда кўрсатилган тамойил бўйича респондентлар жавоблари "сифат" шаклидан "сон" шаклига ўтказилди. Сон баҳолари бирлик қисмида 0,25 қадам билан ифодаланди. Қадам ўқувчиларга тақдим этилган анкеталардаги жавобларни кўриб чиқиш натижалари бўйича мактабда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар воситаси сифатида танланди. Анкеталарда ўқувчиларга, уларнинг фикрларига, мулоқот даражаларига мос келувчи нуқталарни қўйиш таклиф этилганди.

Шундай қилиб, бизда ўқувчининг мулоқот масофаси даражасини баҳолаш мумкин бўлган -1дан +1гача кенгликдаги сифат-сон шкаласи пайдо бўлди. Шкаланинг сон характери ўрта қийматни ҳисоблашга, кўрсаткичларни соф сифат шкаласига нисбатан аниқроқ ва яхшироқ қиёслашга имкон беради. Энг узоқ масофа -1, энг яқин масофа эса +1.

Гуруҳ аъзолари ўзларини “Улар дан фарқли равишда “Биз” деб қабул қилишади. Бизнинг баҳо моделимизда “Биз” тушунчаси шахс билан гуруҳ ўртасидаги шундай яқинлик даражаси билан тавсифланадики, у ноль ва ундан юқоридан ижобий аҳамиятга эга бўлади, яъни “Менга аҳамиятсиз одам” даражасидан “Таниш” ва ундан юқоригача. “Улар” тушунчаси салбий аҳамиятдаги яқинлик даражаси билан характерланади (нолдан паст), яъни “Мулоқот қилиш керак бўлмаган нотаниш одам” ва ундан паст даража.

Анкета ўтказишдан олинган дастлабки маълумотларни биз бутун синф учун умумий жадвалга жамладик ва ҳар бир респондент учун ҳам вертикал устун бўйича, ҳам горизонтал чизиқ бўйича ўрта ва бошқа статистик кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқдик. Сонли жадвал жуфт муносабатлар матрицасини ташкил қилади, аммо икки томонлама эмас, балки бир томонлама, чунки биз фақат бир томондан, бир респондентдан баҳо олдик.

Икки томонлама баҳолашни қўшиш ёрдамида эса икки томонлама муносабатларни ҳам баҳолаш мумкин эди. Агар бизда одатдагидек респондентлар сони баҳоланмаётган гуруҳ аъзолари сонига тенг келса, у ҳолда матрица n^2 кўринишини олган бўлади. Аммо респондентлар ўзларини-ўзлари баҳоламагани учун ҳақиқатда тўлдирилган катаклар 1n ҳажмида оз эди ва шу ҳолатга мос равишда катаклар бўш қолди. Шундай қилиб, бизнинг матрицамиз n катакларга эга бўлди, аммо тўлдирилган катаклар сони n(n-1) бўлди. Бундай матрица, бизнингча, текширилаётган гуруҳнинг руҳий-ижтимоий таркибини етарли даражада тўлиқ тавсифлай олади.

Гуруҳнинг ҳамма аъзоларига баҳо жадвали

№ Гуруҳ аъзоси 1, 2 .....n
1. Фамилияси Исми.
2. Фамилияси Исми.
n. Фамилияси Исми.

Олинган дастлабки маълумотлар асосида биз ҳар бир респондент учун икки параметр: проекция ва мақом бўйича ўртача қийматини ҳисоблаб чиқдик.

Вертикал устундаги маълумотлар мазкур субъект кимни қандай масофага қўйганини кўрсатди, яъни бизга унинг синфдошларига муносабати проекциясини берди. Проекция билан ўқувчи гўё ўзини-ўзи тавсифлайди, яъни бу билан у синфдошларига нисбатан қандай муносабатда эканлигини билдиради. Ўртача қийматдаги проекциялар, бизнингча, респондентнинг ўзини ижтимоий гуруҳга нисбатан фаол шахс сифатида тавсифлайди. Демак, проекция бир пайтнинг ўзида шахснинг ўз-ўзини

Хоҳлаган мулоқот масофасини танлаш вариантлари

№	Жавоб варианти	Миқдорий (сон) баҳо
1	Яқин дўстни	1
2	Баъзан бирга вақт ўтказувчи оғайнимни	0,75
3	Ишдаги шеригим	0,5
4	Фақат саломлашиб турадиган танишимни	0,25
5	Аҳамиятсиз одамни	0
6	Мулоқот қилиш керак бўлмаган бегона одамни	-0,25
7	Ўзини мендан узоқ тутадиган одамни	-0,5
8	Жамиятдан четга чиқиб қолган кишини	-0,75
9	У бу дунёда умуман бўлмасин	-1

билвосита "ички" баҳолаши ҳамдир. Ижобий проекция ушбу ўқувчининг гуруҳга нисбатан ижобий муносабатлари устувор эканлигини билдиради ва унинг ижтимоий пландаги позициясини ижобий тавсифлайди. Салбий проекция ушбу респондентнинг гуруҳга салбий муносабати устувор эканлигини ва унинг позицияси ижтимоий-салбий эканини кўрсатади.

Ҳар бир ўқувчига биз иккитадан ўрталаштирилган кўрсаткич – проекция ва мақом олдик. Бундан ташқари, ҳар бир ўрганилаётган жуфтлик учун 4 тадан кўрсаткич баҳоланиши мумкин: 2 та икки томонлама мақом ва 2 та икки томонлама проекция:

1. В да А мақоми.
2. А да В мақоми.
3. В га А проекцияси.
4. А га В проекцияси.

Олинган маълумотлар гуруҳнинг умумий руҳий-ижтимоий таркиби, шунингдек, ундаги ҳар бир алоҳида олинган одамнинг ҳолати ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Бундан ташқари, биз респондентларнинг ўзаро баҳоларини қўшган ҳолда ўзаро муносабатларни ҳам баҳолай олдик.

Барча катаклардан олинган ўртача қиймат ушбу гуруҳдаги мулоқотнинг ўрта даражадаги масофасини ифодалайди. Excel электрон жадвалидаги стандарт статистик методлар ёрдамида биз ўртача қийматни, ҳар бир устун ва ҳар бир қатор учун стандарт оғиш кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқдик. Бу билан ҳар бир респондент учун мос равишда проекция ва мақом даражаси қийматини қўлга киритдик.

Проекция ва мақом кўрсаткичларидан фойдаланиб биз синфнинг хайрихоҳ ва хайрихоҳ бўлмаган аъзоларини, шунингдек, бир қадар юқори ва бир қадар паст мақомга эга бўлган ўқувчиларни аниқлай оламиз.

Шундай қилиб, яратилган методика қуйидагиларга имкон беради:

1) ҳар бир респондент учун мақом ва проекция базавий кўрсаткичларини аниқлаш учун конкрет ўқув гуруҳида барча жуфт алоқаларни тадқиқ этиш ва булар асосида ўқув-тарбиявий тадбирларни тўғри танлаш мақсадида синфдаги шахслараро муносабатлар даражасини интеграл баҳолаш;

2) шахслараро муносабатлар ҳолатининг дастлабки даражаси қийматига эга бўлиш учун зарур бўлган ҳар бир алоқанинг эмоционал (ҳиссий) салмоғини тўғридан-тўғри баҳолаш;

3) энг кичик бирликкача аниқликдаги объектив баҳолашни таъминлайдиган интервал шкалани қўллаган ҳолда ҳисоб-китоб олиб бориш ва бунинг натижасида нафақат ўқув гуруҳларидаги турли субъектларни, балки турли сондаги субъектларга эга бўлган ҳар хил гуруҳларни ўзаро қиёслаш;

4) ижобий, салбий шахслараро алоқаларни, шунингдек, уларнинг жамланмасини баҳолаш, яъни синфдаги ўқув-тарбиявий жараённи режалаштириш ва ташкил қилиш учун зарур бўлган интеграл кўрсаткичларни бериш.

Тадқиқот ва анкета ўтказишдан олдин болалар ишнинг мақсад ва вазифалари билан таништирилади. Уларнинг умумий мазмуни, масалан, қуйидаги йўриқномада берилиши мумкин: “Болалар, сиз қаерда ўқиманг, ҳамиша атрофдаги одамлар билан муайян муносабатларга киришишингиз керак. Бу муносабатлар кўнгилдагидек бўлиши учун эса ҳар бирингиз уларни бир хил баҳолашни ўрганишингиз зарур. Сизга берилаётган топшириқ тенгдошларингиз билан ўзаро муносабатни қанчалик тўғри тушунишингизни кўрсатади. Агар сиз хоҳламасангиз, олинган натижалар ҳақида мендан бошқа ҳеч ким билмайди. Агар сиз бу натижаларни ўртоқлашишни истасангиз, унда бу натижалар сизнинг истакларингизни ҳисобга олган ҳолда парталарга тақсимлашда, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш чоғида, гуруҳларга бўлишда, жамоат топшириқларини бажариш учун тавсия беришда ёрдам беради”.

Мактаб синфларида ички гуруҳ ўзаро алоқасининг кўплаб тавсифини баҳолашга имкон берадиган бу тадқиқот иши ўқувчиларда сезиларли қизиқиш уйғотди. Аммо ишлаб чиқилган анкета “ўқувчининг фамилияси ва исми” деб ёзилган катакчанинг албатта бўлиши ва унинг тўлдирилишини кўзда тутади. Шунинг учун ҳам анкетанинг анонимлиги ўз кучини йўқотади. Ўқувчилар берган маълумотлари тўлиқ “сир сақланиши”, бирон бир маълумотнинг ошкор этилиши мумкин эмаслигига ишонтирилгандан сўнг улар берилган саволларга жавоб беришга рози бўлдилар. Ўқувчиларга тадқиқотнинг илмий характерда эканлиги ва улар берган жавоблар илмий муаммони ҳал қилишда зурурлиги айтилиб, саволларга аниқ жавоб беришлари сўралди.

Педагогик диагностика ва педагогик назорат шахсий, ситуатив ва бошқа омиллар таъсирига учраган дифференциал, ҳар томонлама ва ўзаро боғлиқ жараёнлардан иборат экан, у ҳолда уларни метрологик ишончли воситалар билан етарли даражада акс эттириш қийин. Натижаларни ишлаб чиқишни математик таъминлаш учун интерваллар шкаласи қўлланилди, чунки номинал ва тартиб шкала кўрсаткичлари ўрта арифметик катталикни ҳисоблаб чиқишга имкон бермайди, пропорциялар шкаласини эса бунга қўллаб бўлмайди, чунки шкалалар маълумотларни ишлаш қулайлигидан келиб чиқиб эркин танланди. Диагностиканинг объект ўлчови билан миқдорлар алоқасига асосланган айрим статистик методлари мавжуд холос. Бу объектлар катталиклари тақсимоти масаланинг моҳиятига қараб қайсидир қонунга бўйсуниши керак. Бу тақсимотларга ўрта катталикдаги оғиш, дисперсия, математик кутиш ва бошқа тамойиллар ҳақида статистик асосланган тушунчалар чиқариш орқали мавжуд математик аппаратни қўллаш мос келади. Ушбу тамойиллар ўлчовдаги хатоларни истисно қилиши билан маълумотларни қайта ишлашдаги аниқликни таъминлайди. Тадқиқотга жалб этилган ўқувчилар сонининг озлиги учун баҳолаш натижалари ҳар бир ўқувчининг муносабатлари вариантлари рақамларда ифодаланди, бу ҳолат назарий жиҳатдан асосланди ва маълум қониқарли натижа олинди.

Шу билан бирга, ҳар бир синфда реал мавжуд бўлган маълум "оғишлар" (яъни тасодифий оғишлар) бўлиши мумкин. Бизда, шунингдек, ўрта катталик ёки стандарт оғиш асосида ҳаққонийлик мезонларини (ўлчов аниқлигини) қўллашга ҳам асос йўқ, чунки синф қарама-қарши тенденцияга ёки синфда мавжуд бўлган ягона тенденцияга эга бўлган иккита экстрем гуруҳга бўлиниб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам статистик методлар билан маълумотларни таҳлил қилиш айрим кўрсаткичларнинг ҳақиқий қиймати белгилаб бермайди. Шунга қарамасдан, ўлчовлар натижаси аниқлик ва ишончлилик талабларига жавоб бериши керак. Педагогик диагностика ривожланишининг ҳозирги босқичида ўлчовлар сифатини баҳолашга имкон берадиган классик мезонларни қўллаш мумкин, яъни: 1) объективлик; 2) ишончлилик; 3) валидлик. Улар ўзлари асосида бажарилувчи тестлар ва ўлчовларнинг барча машҳур назарияларига, шу жумладан, бизнинг модификацияланган ижтимоий ўлчов асосидаги тадқиқотимизга ҳам тўғри келади.

А Д А Б И Ё Т Л А Р:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи.- Т.: Шарқ, 1997.- Б.3-19, 46

2. Абдуллаева Ш.А. Ўспиринларнинг тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш ва хулқидаги нуқсонларни коррекциялашнинг педагогик асослари. – Пед. фан. док... дисс. автореферати.- Т., ЎзПФИТИ, 2005.- Б.11

3. Андреева Г.М. К дискуссии о проблеме группы в социальной психологии // Вестник Мос-го унив-та. Сер. 14. Психология. – М., 1998.-№1.-С. 41-47.

4. Бодалев А.А. Личность и общение. / А.А. Бодалев. Избранные психологические труды. Изд. 2-е, пер. – М.,1995. - 328 с.

5. Давлетшин М.Г. ва бошқ. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997.- 134 б.

6. Программа изучения ученического коллектива // Классный руководитель. – М., 1998 - №6. – С. 36-37

Андижон давлат университети,
2010 йил 20 июнда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)